Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 27 ноябрь, чоршанба • № 94 (10.869) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ПАЙҲОН ҚИЛИНИШИГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жойлардаги аҳволни ўрганиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 1994 йил 21 ноябрдаги Фармонини ва ушбу масала бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 ноябрдаги 423-сон қарорини бажариш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларнинг ташкилотчилик ишлари айтиб ўтилган ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда. Кўпгина хўжалик раҳбарларининг бепарволиги ва масъулиятсизлиги, ижро интизоминнинг пастлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан амалий чоралар кўрилмаганлиги натижасида чорва моллари пайҳон қилиши туфайли ғалла, пахта, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобудгарчилиги камаймаяпти.

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжаликларнинг раҳбарлари эътибори қишлоқ хўжалик экинлари, мевали дарахтлар, узумзорлар ва ихота дарахтзорлари зоналари пайҳон қилинишига қарши кураш қониқарсиз ташкил этилганлигига, чорва моллари пайҳон қилиши натижасида экинларга, дарахтларга зарар етказаётган шахсларга нисбатан етарлича талабчанлик кўрсатилмаётганлигига қаратилсин. Шу мақсадларда:

Қишлоқ хўжалик экинзорларида мол боқиш, молларнинг, автотранспорт ёки қишлоқ хўжалик техникасининг экинзорлар орқали ўтиши ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келувчи бошқа қонун бузишларга қарши кураш кучайтирилсин;

хўжаликларнинг раҳбарларига ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан биргаликда экинларнинг пайҳон бўлиши ҳолларини аниқлаш ва бундай қонун бузилишларнинг олдини олиш юзасидан мунтазам рейдлар ўтказиш топширилсин. Экинлар кўп пайҳон бўлган жойларда кузатиш пунктлари ўрнатилсин ва дала қоровуллари белгилансин;

экинларни пайҳон қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда пайҳон қилган чорва моллари, автотранспорт, қишлоқ хўжалик техникаси ёки бошқа пайҳон қилиш воситасининг эгасини аниқлашга доир оператив чора-тадбирлар кўрилсин, материаллар айбдорларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга берилсин;

белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналарга, ташкилотларга, шунингдек фуқароларга қарашли пайҳон қилиш воситалари тутиб қолинади ва унинг эгалари ҳамда мулкдорлар томонидан пайҳон қилиш туфайли етказилган зарар тўлиқ қопланган тақдирда қайтариб берилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қишлоқ хўжалиги экинларини қўриқлаш учун масъул бўлган бўлинмаларига миниш учун отлар ажратсинлар. Отларни сақлаш харажатлари хўжаликлар ҳисобига амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (Алматов), мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжаликларнинг ҳамда улар таркибий бўлинмаларининг экинларнинг сақланишини таъминламаган ва уларнинг пайҳон бўлишига йўл қўйган раҳбарларига нисбатан эгаллаб турган вазифасидан бўшатиш, қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш масаласини мажбурий тартибда қўйсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Мустафоев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Мингбоев) экинларни пайҳон қилишнинг ҳар бир ҳолати бўйича жазолашнинг муқаррарлигини ва етказилган зарарнинг тўлиқ ундириб олинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Мирсафоев) экинларни пайҳон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масала юзасидан қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини кучайтирсин.

5. «Ўзтелерадио» компанияси (Ҳакимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ҳазраткулов) молларнинг экинларни пайҳон қилиши оқибатида халқ хўжалигига етказиладиган зарар тўғрисида матбуот, радио ва телевидение орқали тушунтириш ишларини мунтазам олиб борсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ҳамда Давлат Ўрмон қўмитаси билан биргаликда шу йилнинг декабрь ойида экинлар ва дарахт кўчатларини пайҳон қилишга қарши курашиш ишларининг аҳволини ҳар томонлама кўриб чиқсин, ушбу ишларни янада яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин ва амалга оширсин ҳамда ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 25 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИНИНГ ЭНГ ОЗ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болали оилаларга нафақаларни ва аҳолига тўланадиган энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловларни ошириш мақсадида:

1. 1996 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 600 сўм этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига, пенсияларга устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосан 1996 йилнинг 1 декабридан бошлаб амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар 1996 йил 1 декабрдан жорий этиладиган иш ҳақининг энг оз миқдоридан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи ва пенсияларга устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда бошқа тўловлар ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Иш ҳақига, пенсияларга қўшимча ва устама ҳақларни ошириш, шунингдек, нафақалар ва бошқа тўловларни кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда республика давлат бюджети, ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қоплансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 1996 йил 26 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 ноябрь.

Олий Мажлис еттинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари лойиҳаси тўғрисида.

2. Адвокатура тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).

3. Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).

4. Сиёсий партиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).

5. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

6. Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

7. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

8. Давлат хизмати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

9. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

11. Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

12. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

1996 ЙИЛДАГИ ТЎРТИНЧИ МАКТАБ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги арафасида Зангиота туманида 3 та ўрта мактаб фойдаланишга топширилган эди. Кеча туманда 1996 йилдаги тўртинчи мактаб ўз бағрига ўқувчилрни қабул қилди.

ЭРКИН фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Қаҳрамон» қишлоғида очилган 320 ўринли бу янги мактабни ишга туширишда туман ҳокимлиги, «Эркин» агрофирмаси ва халқ таълими бўлими алоҳида жонбозлик қилдилар. Янги ўқув қуроллари, замонавий мебель ва ускуналар билан жиҳозланган бу ўқув даргоҳида ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Ф. ФАТТОХОВ.

БУЮРТМА УЧ КУНДА БАЖАРИЛДИ

Тўйтепадаги Ўзбекистон — Корея қўшма тўқимачилик комбинати «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамиятига уч кун ичида тайёрлаб бериш шарти билан 100 дона электр тақсимлаш мосламасини тайёрлаш юзасидан буюртма берди.

Ўз фаолиятини бозор муносабатлари талаблари асосида қайта қуриб олган ҳиссадорлик жамияти дарҳол ишни уч сменада ташкил этди. Цех ва бригадалар буюртманинг барча икир-чикирларигача ўрганиб чиқдилар. Корхона кеча-кундуз бетиним ишлади. Ниҳоят уч кун деганда ҳамма енгил нафас олди. Буюртмачилар ўз маҳсулотлари аъло сифат билан бажарилганлигини қайд этдилар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

«ТЕСТ СИНОВИ»ДАН ЎТМОҚДА

ГАЗЕТАМИЗДА илгари вилоятимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларида Жанубий Кореянинг ДЭУ телекоми билан ҳамкорликда рақамли станциялар ўрнатиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида хабар қилган эдик.

КЕЧА вилоят Давлат электр алоқа ишлаб-чиқариш бирлашмасидагилар барча алоқа тармоқларида станциялар ўрнатиш ниҳоясига етганлигини маълум қилишди.

Шу кеча-кундузда Жанубий Кореялик 30 га яқин мутахассислар вилоят алоқачилари билан биргаликда қурилмаларни «Тест синови»дан ўтказмоқдалар.

Имтиҳончилар шиша толали кабеллар овозни манзилларга тиниқ етказаётганидан ҳамда станцияларда ишловчи ёш мутахассислар малакасидан қониқмоқдалар.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Ҳомиладор аёллар, беш ёшгача бўлган болакайлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Уларга баъзи, ҳаётий зарур ашёлар, дори-дармонлар бепул тарқатилди. Шунингдек, туман «Тадбиркорлар» палатаси кам таъминланган оилаларга гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди. Бу тадбир «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилди. «Новдак», «Невич», «Номданак», «Бўстон» каби олис қишлоқларнинг чекка уйларида яшовчилар ҳам эътибордан четда қолишмади.

Тўйчи ДЎСТМАТОВ,
Паркент тумани.

«ДИНДАЛЯ» – ДЎСТЛИКНИ ТАРАННУМ ЭТМОҚДА

ҚУЙИЧИРЧИҚ туман маданият уйида бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Диндаля» корейс ашула ва рақс дастаси томонидан тайёрланаётган концерт томошалари барчанинг эътиборини тортмоқда. Куни-кеча ижодий жамоа «Дўстлик оқшоми тароналари» номли янги концерт томошасини мухлисларга тақдим этди. Корейс, ўзбек, рус миллий қўшиқлари, жозибали рақсларида акс эттирилган дўстлик, тинчлик, мусаффо осмон тараннум этилган концерт ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирмоқда. Айниқса, Сергей Хан, Елизавета Ким, Саня Кан, Мария Ким, Людмила Шигайлар томонидан ижро этилаётган қўшиқ ва рақслар жозибалилиги билан ажралиб туради. Дастурни бадиий раҳбар Ранса Кан саҳнага олиб чиққан.

Сабриддин САРВАРОВ.

• Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга •

БАРАКАЛИ ЯКУН

28 минг 500 тонна сабзавот етказиб бериб, режасини бажарган Зангиота тумани деҳқонлари яна 1000 тонна маҳсулот етказиб беришмоқчи.

Ўз маҳсулотинг эл дастурхонини безаса, унинг фаровонлигига хизмат қилса, ишингдан кўнглинг тўлади. Зангиоталик деҳқонлар ана шундай хайрли иш соҳибларидир. Бугун пойтахтнинг истаган бозорида харидорлар улар етиштирган маҳсулотларни харид қилишлари мумкин.

Кеча тумандан хушхабар олдик. Сабзавот тайёрлаш режаси бажарилди. Эл дастурхонига 28500 тоннадан ортиқ сархил сабзавот етказиб берилди. Бунга меҳнатни янгича ташкил этиб, юқори натижаларга эришаётган «Ўзбекистон», «Бўзсув», Навоий номли, Акмал Икромов номли, «Иттифоқ» хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Айни кунларда туманда кузги-қишки ишларни олиб бориш билан биргаликда сўнгги майдонлардаги кечки сабзавот йиғиштириб олинмоқда.



Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли халқ корпорациясининг Озод Акбаров бошлиқ бригадаси 91 гектар шоли майдонининг ҳар гектаридан 80 центнердан хирмон кўтарди.
СУРАТДА: Озод Акбаров ўғли Рустамжон билан.
Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Ўзбекистон — Туркманистон

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ УЧУН

Бугун Туркманистон президенти Сапармурот Ниёзовнинг Ўзбекистонга икки кунлик расмий ташрифи бошланади

Нефти, гази, қоракўли, пахтаси, гилами, учқур отлари билан дунёга танилган туркман халқи ўзбекларнинг азалий дўсти, яқин қардошидир. Бу дўстлик буюк мутафаккирлар Маҳтумқули Фироғию, Алишер Навоийлар давридаёқ самимийлиги, беғаразлиги билан ажралиб турган. Икки халқни боғлаган ришталар ерларимизнинг туташлигигина эмас, дили, тили, дини, тарихи, маданияти, санъатининг ҳам бир-бирига монандлиги, яқинлиги, ҳамоҳанглигидадир.

Истиқболга эришган Туркманистон ҳам, Ўзбекистон ҳам ўз танлаган йўлидан шаҳдам одимламоқда. Шуни айтиш керакки, бу тараққиёт йўли анча монанддир. Туркманистонда ҳам бозор муносабатларига ўтиб мулкчиликнинг шакли ўзгартирилмоқда, корхоналар хусусийлаштирилмоқда, янги бунёдкорлик ишларининг миқёслари кун сайин ортиб бормоқда. Туркманистон яқин даврга мўлжалланган «Барқарор ўн йиллик» дастури асосида ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларни амалга ошираётир. Иқтисодий ислоҳотларда янги технологияларни жорий этиш асосий ўринни эгаллайди. Мамлакат иқтисодиётига кун сайин кўпроқ хорижий сармоялар киритилмоқда. Бунда 60 дан ортиқ чет эл мамлакати қатнашмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини кўтаришда Ўзбекистон билан бўлаётган яқин алоқаларнинг аҳамияти каттадир. Азалдан бу алоқалар икки халқ манфаатларига хизмат қилиб келган бўлса, эндиликда уни янги босқичга кўтариш палласи бошланди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги товар айрибошлаш 50 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шундан 22 миллиони Туркманистон экспорти, бўлса, 28 миллиони Ўзбекистондан юборилаётган маҳсулотлардир. Қўшни мамлакатдан бизга асосан нефть, кимё саноати, балиқ ва балиқ маҳсулотлари келтирилмоқда. Ўзбекистон эса қардошларимизга турли саноат моллари, қурилиш ашёлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Олий даражадаги меҳмоннинг Ватанимизга ташрифи давомида ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга доир бир қанча ҳужжатлар имзоланиши назарда тутилмоқда. Бу билан қадимдан халқларимизни чамбарчас боғлаган «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш, уни янги мазмун билан бойитиш мумкин бўлади.

Туркманистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг ташаббуси билан коммуникацияни ривожлантириш , хусусан Тажан-Сарахс-Машҳад темирйўлини ишга тушириб, Форс кўрфазига чиқишдек улкан режаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Биз икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни тараққиётимиз асоси сифатида баҳолаб, бошланаётган ташрифга катта умид боғлаймиз.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ИШ БОШЛАДИ

Кеча республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини тузиш бўйича Тошкент вилояти ташаббускор гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар республика Президенти ва ҳукуматининг фахрийларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигидан ғоятда мамнун эканликларини билдириб, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни тўла маъқуллаётганликларини айтдилар. Айни вақтда янги тузилаётган «Нуроний» жамғармаси уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва бошқа ёрдамга муҳтож қарияларнинг турмуш шароитларини, саломатликларини яхшилаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда янада фаолроқ иштирок этишлари учун катта имкониятлар очиб беражагини таъкидладилар.

Йиғилишда «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлимини тузиш ташкилий қўмитаси ва унинг таркиби тасдиқланди. Вилоятдаги бир қатор муассаса, саноат корхоналари ва жамоат ташкилотлари янги ташкил этилаётган жамғарма вилоят бўлимига ҳомийлик қилиш истагини билдирдилар.

Шунингдек йиғилишда республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг таъсис қурултойига делегатлар сайланди. Жамғарманинг низоми лойиҳаси маъқулланди ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ДАЛИЛЛАРНИ РАД ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

МДҲ мамлакатларида1991 йилдан 1996 йилнинг 1-ярмига қадар бўлган даврда саноат ишлаб чиқаришнинг ўзгариши.
(1990 йил 100 фоизга тенг)



Қуйида келтириладиган кўрсаткичлар жадвали «Независимая газета»нинг 1996 йил 22 ноябрь сонида эълон қилинган. Москвада чиқадиган ушбу газета ўтган ҳафтанинг охирида ўз шарҳловчиси Игор Гундаровнинг «Россияда феодализмнинг муваффақиятли ривожланиши» деб номланган киноялитанқидий мақоласини босиб чиқарди. Мақолада Россия Федерациясида 1991 йилдан 1996 йилгача бўлган даврда бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши ҳамда иқтисодий вазият батафсил таҳлил этилган. Рақамлар таққосланган 100 фоиз кўрсаткичи 1990 йилга нисбатан олинган.

Матбуот кўзгусида

Мақоладан кўчирма келтирамиз:

«Россия ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳатто МДҲ давлатлари ўртасида энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллайди (бунга ишониш қийин, аммо рақамларни рад этиб бўлмайди). Россия 1996 йилда саноат ишлаб чиқариши даражаси бўйича 1990 йилга нисбатан 47 фоизлик кўрсаткич билан Ўзбекистон (106 фоиз), Туркманистон (81 фоиз), Белоруссия (63 фоиз), Украина (55 фоиз), Қозоғистон (48 фоиз), Арманистон (48 фоиз) кейинги ўринда турибди. Молдавия (43 фоиз) ва Озарбойжон (41 фоиз) биз билан изма-из келмоқда. Фақат Қирғизистон (39 фоиз) ва Грузия (18 фоиз) биздан анчагина ортда қолмоқда».

Муаллиф келтирилган далилларга таяниб, Россиядаги ислоҳотларда ғалати зиддият кўзга ташланади, деб хулоса чиқаради. Яъни, Россия иқтисодиёти социализмдан бозор иқтисодиётига ўтиш ўрнига, хўжалик юритишнинг феодал усуллари сари оғиб бормоқда...

Бунинг бизга ҳеч қандай тегишли жойи йўқ, албатта. Бироқ масаланинг бошқа томони диққатга сазовор: «Независимая газета» статистиканинг холис маълумотларига таянган ҳолда мамлакатимизни иқтисодиётни ислоҳ қилиш натижаларига кўра собиқ совет ҳудудидаги республикалар орасида биринчи ўринга қўймоқда. Гарчи газетада илгари эълон қилинган кўпгина материалларга назар ташлаган киши бу матбуот органининг мустақил Ўзбекистонга унчалик меҳри товланмаслигига амин бўлади... Нима ҳам дердик, газетанинг ўзи эътироф этганидек, далилларни рад этиб бўлмайди.

А. БАРАНОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон — Корея

ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ЁРДАМИДА

БУНДАН тўрт йил аввал баҳорда республикамизнинг пойтахти Тошкентда Корея Республикасининг Таълим маркази иш бошлаган эди. Ўшандан буён ҳар иккала мамлакат ўртасидаги маданий-маърифий ҳамкорлик изчил давом этиб келмоқда.

Хусусан, Корея Республикаси таълим вазирлиги билан Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги имзолаган келишувга биноан сўнгги икки йил мобайнида марказнинг саъй-ҳаракатлари билан 800 дан ортиқ Ўзбекистон фуқароси Кореяга юборилди. Марказ қошида ташкил этилган вилоят корейс тили ўқитувчилари кенгашининг фаолиятига оид семинарлар, олимпиадалар, фестиваллар ўтказилмоқда. Турли кўрик-танловларда эса болалар адабиёт, тарих, бадиий ўқиш, қўшиқ айтиш, рақс бўйича имкон даражасида ўз маҳоратларини намойиш этаётирлар.

Таълим маркази вилоятимиз муаллимлари ҳамда мактаб талабаларини турли дарсликлар, ўқув қўлланмалари, болалар адабиёти ҳамда замонавий техника воситалари билан таъминлашда катта ёрдам кўрсатмоқда. Хусусан, марказ ташкил этилгандан буён пойтахт шаҳри ҳамда вилоят ўқув масканларига 6240 дан кўпроқ дарсликлар, 7,5 мингдан зиёд болалар адабиёти тухфа этилди.

Ўтган тўрт йил ичида Сеул миллий дорилфунуни ҳамда корейс тили давлат академиясига олий ва ўрта махсус билимгоҳларнинг 150 дан кўпроқ талабалари ўқиш учун юборилди. Айни пайтда Тошкентдаги 266- ҳамда вилоятимизнинг Тўйтепа шаҳридаги 1-ўрта мактабда марказ ташкил этилганлигининг беш йиллигига бағишлаб корейс халқ ижодиёти фестивалини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбек тили борасида ўқувчилар билимини синаш учун танлов ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Назокат УСМОНОВА.

Суратда: таълим марказида корейсча дарсликлар тарқатилмоқда.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

МАҚСАД САРИ ИШОНЧ БИЛАН

Бозор муносабатлари шароитларидаги қийинчилик ва муаммоларни енгаётган шундай корхона ва ташкилотлар борки, уларнинг меҳнат ютуқларидан кўз қувонади. Ана шундай ташкилотлардан бири Бекобод шаҳридаги йирик автохўжаликлардан ҳисобланган «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти жамоасидир.

«Сарбон»чилар ўзларининг иш тизимида вужудга келаётган қатор салбий тўсиқларни бартараф қилишда барча имкониятлардан кенг фойдаланиб, меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Энг муҳими, ишни яхши ташкил этиш, одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан бир вақтда жамоага қулай шарт-шароитлар яратиш ютуқлар гарови бўляпти. Жамият раҳбариятининг тадбиркорлиги натижасида автохўжалик жамоаси иш кўламини тобора кенгайтиришга, корхона манфаати ва равнақи йўлида даромад манбаини кўпайтиришга муваффақ бўляпти. Ҳозирги вақтда «Сарбон»га қарашли турли русумдаги юк ташиш машиналари вилоятимиздагина эмас, ҳатто қўшни Сирдарё вилояти ҳудудидаги буюртмачиларга ҳам транспорт хизмати кўрсатмоқда.

Корхона дарвозасидан ҳар куни ўнлаб юк ташиш машиналари буюртмачилар эҳтиёжини қондириш учун йўл олмоқдалар. Улар 160 дан ортиқ ташкилотга транспорт хизмати кўрсатишяпти. Якунланган тўққиз ойлик режаларининг бажарилишига назар солсак, бу соҳада «Сарбон»чилар анча олдинга қараб одимлаётганлигига амин бўламиз. Жамоа 2 миллион 230 минг ўрнига, 2 миллион 398 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташишни уддалади. Бошқача қилиб айтганда, режа 107,6 фоизга адо этилди.

Яқинда республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан берилган рухсатномага (лицензия)га эга бўлдилар. Бундай рухсатнома жамоа иш тизимида аҳамиятга молик имкониятларга кенг йўл очиб берди. Яъни, эндиликда «Сарбон» ҳайдовчилари халқаро миқёсда юк ташиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Автотранспортчилар ўтган даврда 103 миллион сўм даромад олганлиги, хўжаликда амалга оширилаётган ишлар кўламининг барқарорлашаётганлигидан далолат бериб турипти. Корхонада эса 12 миллион сўм соф фойда қилинди, бу маблағ ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳиссадорларга дивиденд тўлаш имконини қоплайди.

Кези келганда, ҳиссадорларнинг қимматбаҳо қоғозларнинг 75 фоизини сотиб олганликларини, қолган 25 фоизигина давлатники бўлиб қолаётганлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Жамоага ҳар бирининг номинал қиймати 330 сўмдан бўлган ҳар бир акцияга 100 фоиздан дивиденд тўланмоқда. Дивидендлар йилнинг ҳар чорагида жамоага берилиб борилаяпти. Автохўжалик ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган дастлабки йилларда акцияларнинг 49 фоизигина жамоага қолдирилган эди. Бироқ давр тақозоси, иш кўламининг тобора кўпайиши жамоани яна бир дадил қадам ташлашга ундади. Тошкент қимматбаҳо қоғозлар биржасидан эса шу йилнинг сентябрь ойида қўшимча 24 фоиз акциялар қайта сотиб олинди.

Сидқидилдан меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам намунали йўлга қўйилган. Бу борада касаба уюшмаси қўмитаси жамият бошқаруви маъмурияти билан ҳамкорликда амалий тадбирларни қўлламоқда. Яқинда жамоага 25 тонна пиёз келтирилиб, 60 фоиз арзон нархда сотилди. 10 тонна ўсимлик ёғи, 10 тонна маргарин, 10 тонна ун маҳсулотлари ҳам арзон нархда тарқатилди. Ишчи-хизматчиларнинг тушлиги учун эса ҳар ойда қўшимча 500 сўмдан пул тўланмоқда. Уларнинг фарзандлари болалар боғчасида имтиёзли равишда тарбияланишмоқда. Ота-оналар боғча учун сарфланадиган ҳаражатнинг атиги 10 фоизини тўламоқдалар холос.

Шу нарса эътиборга лойиқки, жамиятда ёш ишчиларни мукаммал касбга ўргатишга, уларга мураббийлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам яқинда корхонада «В», «С» тоифаси бўйича ҳайдовчилар курси ташкил қилинди. Автобус ҳамда тиркама машина ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича махсус курс очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Иши билан сўзи бир «Сарбон»чилар бугунги кунда долзарб ва энг муҳим масала * пахта йиғим-теримида ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Жамиятга қарашли машиналар туман хўжаликларида етиштирилган пахта ва шоли ҳосилини ташиб беришда, пахта заводидан толаси олинган чигитни Янгийўл ва Тошкент ёғ-мой комбинатларига етказишда хизмат қилаётган бўлса, жамоанинг 120 нафар аъзоси «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги пахтазорларида ҳосилни йиғиштиришда фаол иштирок этишяпти.

Б. Қоплонов, А. Муҳиддинов, У. Ашуров, А. Авгидов, И. Бобоев сингари ҳайдовчи ва таъмирловчилар транспорт воситаларининг узлуксиз ишлашини, машиналарнинг техник ҳолатини сақлаш ва таъмирлашда куч-ғайратларини аямаяптилар. Жамият бошқаруви раиси Азимжон Раҳмонов билан суҳбатлашганимда, эришилаётган ютуқлар билан бир вақтда ечими қийин бўлган муаммолар ҳам мавжуд эканлиги аён бўлди. Бу муаммоларнинг вужудга келиши айрим корхона, ташкилотларнинг «Сарбон»га бўлган дебитор қарзларини ҳанузгача тўлолмаётганлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Аҳил ва иноқ жамоа қийинчиликларни бартараф этиб, кўзланган мақсад сари ишонч билан бормоқда.

Абдумурод АШУРОВ,
Абдураҳим БОБОНАЗАРОВ.

ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори амалда

Қарор ва ижро

ЎРТАОВУЛ маҳалла қўмитаси раиси Исроил ака Отабоев билан анчагина суҳбатлашиб ўтирдик. У сўнгги икки йил ичида, хусусан, республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 май қароридан кейин катта ўзгаришлар рўй берганлигини хурсанд бўлиб сўзларди. Айниқса аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида рўёбга чиқарилган тадбирлар хусусида тўхталиб, «Янги тўлқин» жамоа хўжалиги раиси Ёқуб Дархонбоев, унинг муовини Убайдулла Абдиқулов, фуқаролар йиғини раиси Сафармат Маматовлар хўжаликда бу йўналишда астойдил жон куйдирганликларини таъкидлади.

Чиндан ҳам 5 минг аҳолини ўз бағрига олган қишлоқнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. Равон йўллар, хусусий дўконлар, яқиндагина очилган маиший хизмат маркази, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 120 ўринли шифохона, барча қулайликларга эга бўлган учта мактаб, иккита боғча қишлоқ чиройига чирой қўшган.

— Тўғрисини айтиш керак, бундан икки йил аввал хўжалигимиз оқсаб келаётган эди. Ёқуб акани раис қилиб сайлаганимиздан кейин оёққа туриб олдик, — дейди У. Абдиқулов. — Хўжалик иқтисодиёти изга тушиб олгач, ижтимоий вазифаларни ҳал этишга киришдик.

Қишлоқда биринчи навбатда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун зарур тадбирлар белгиланди. Бу мақсадда илгари қаровсизлиги туфайли яроқсизланиб бораётган сув минералари аниқ шахслар ихтиёрига топширилди. Натижада мавжуд олтита сув минораси ўз эгаларини топди. Уларда таъмирлаш, иш жараёнини назорат қилиш ўз вақтида амалга оширилганлиги туфайли икки йилдирки, аҳоли водопровод сувидан мунтазам бахраманд бўлмоқда.

Сув масаласи ҳал этилгач, бугунги талаблардан келиб чиқиб хўжалик бошқаруви аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътиборни қаратди. Пойабзал устахонаси, сартарошхона, суратхона, радио, телевизор тузатиш устахоналаридан иборат маиший хизмат маркази ана шу жараёнда иш бошлади. Марказ ёнгинасида чойхона, ҳаммом қад кўтарди. Айни пайтда қишлоқнинг деярли барча маҳаллаларида қўшимча тарзда сартарошхоналар очилди.

Маълумки, қарорда қишлоқ врачлик амбулаторияларини малакали шифокорлар билан мустаҳкамлаб, тиббий пунктлар ташкил этиш зарурлиги қайд қилинган эди. Хўжалик ҳудудидаги шифохона бош шифокори Маҳкам Эргашев вилоят кенгашининг депутати сифатида бу ишга бош-қош бўлди. Ўртаовулдаги амбулатория тиббий пунктга айлантирилди. Бу ерда ҳозир болалар педиатри, ички касалликлар, тиш даволаш врачлари, гинеколог биргаликда беморларга хизмат кўрсатишмоқда.

Иззаовулдаги иккита фельдшерлик пункти ҳам қулай, таъмирланган биноларга кўчирилди.

Шуниси қувончлики, хўжалик ҳудудида истиқомат қилувчи оилаларнинг ҳаммаси табиий газ билан таъминланган.

— Эндиликда Президентимиз фармони асосида янги уйлар қад кўтарган аҳоли истиқомат жойларига табиий газни етказиш ҳаракати бошланган, — дейди жамоа хўжалиги тафтиш комиссиясининг раиси Тўхтасин Бектуров, — бундай ҳудудлар йил сайин кенгайиб бораяпти. Биргина шу йилнинг ўзида 36 нафар оилага янги уйлар қуриб олиш учун ер ажратилди. Барпо этилган ихчам маҳалла хонадонларига табиий газ етказиб бериш тараддуди кўрилмоқда.

— Ёзадиган мақолангизда бир фикрни алоҳида таъкидлашингизни истар эдим, — дейди бошқарув раиси муовини, — сўнгги икки йилда амалга оширилган тадбирлар туфайли хўжалигимиз ҳудудида умуман ишсизлик йўқ. Ҳар бир фуқаро ўзига мос ва муносиб меҳнат билан таъминланган.

Хўжаликда яратилган қулайликлар бесамар кетмади. Бу йил «Янги тўлқин» меҳнаткашлари давлатга 1840 тоннадан зиёд пахта топшириб йиллик режани ортиғи билан адо этдилар. Бошқа тармоқлар бўйича ҳам режалар ошириб бажарилди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра кутилаётган йиллик даромад ўтган йилдагидан анча кўп бўлди.

Демак, меҳнаткашлар турмушини фаровонлаштириш, мазмунан бойитиш қишлоқ кўркига-кўрк қўшиб бориш имкониятлари янада кенгаяди. Одамларнинг топганлари яхшиликларга буюраверади.

Саидвали ҲАСАНОВ.

БМТ КУН ТАРТИБИДА АФҒОНИСТОН МУАММОСИ

Кейинги пайтда кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуслари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосига эътибори сезиларли даражада ортди. БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий ташаббуси билан шу йил 18 ноябрь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Афғонистон бўйича маслаҳат учрашуви бунга мисол бўла олади. Унда 19 мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон, шунингдек, Ислом конференцияси ташкилоти ҳайъати иштирок этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Афғонистон бўйича бундай кенгаш БМТ доирасида биринчи марта ўтказилди.

Учрашувнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат эди:

- Афғонистон бўйича Бош Ассамблея резолюциясини бажариш юзасидан БМТ амалга оширган тадбирлар билан иштирокчиларни таништириш;
- мазкур резолюцияни бажариш бўйича халқаро ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш.

БМТ Бош котиби афғон можаросининг халқаро хавфсизлик учун салбий оқибатлари ҳақида гапириб, гиёҳванд моддалар ва террорчиликнинг тарқалиши хавфи ортиб бораётганлигини таъкидлади. У шунингдек Афғонистонда транспорт ва йўл қуриш лойиҳаларини амалга ошириш нисбатда муҳимлигини, бунинг учун эса мамлакатда тинчлик ва миллий тотувлик барқарор бўлиши зарурлигини қайд этди.

Деярли барча ҳайъат вакилларининг чиқишларида жанговар ҳаракатларни тўхтатиш, Афғонистон Ислом давлатида кенг миқёсли ҳукумат тузиш, айни пайтда Афғонистоннинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш ва унинг ички ишларига аралашмаслик шартлари айтиб ўтилди. Бунда БМТнинг устувор роли, афғон можаросини ҳал қилишнинг кўпчилик эътироф этган ва таъсирчан воситаси бўлган Афғонистон бўйича махсус миссия фаолиятини кучайтириш зарурати ҳам эътибордан четда қолмади.

АҚШ делегацияси раҳбари, Давлат котиби ўринбосари Р. Раффэлнинг сўзларига қараганда, АҚШ ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш бўйича резолюция қабул қилиниши ғоясини қўллаб қувватлайди. АҚШ ҳозирнинг ўзидаёқ бир томонлама тарзда бундай тақиқни жорий этган. Россия, Покистон ва Эрон ҳайъатлари ҳам бу фикрни маъқулладилар.

Учрашувнинг бошқа қатнашчилари бу таклифни «Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш» шаклида баён қилдилар.

БМТ Бош котиби ва бир қанча ҳайъатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказиш таклифи билан чиқдилар.

Учрашув қатнашчилари кўпчилигининг фикрича, Афғонистондаги низони бартараф этиш бўйича Ўзбекистоннинг нуқтаи назари БМТ позициясига амалда тўла мос келади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан шу йил 22 октябрь куни қабул қилинган Афғонистон бўйича махсус резолюцияда Ўзбекистон ва бошқа манфаатдор мамлакатларнинг таклифлари ўз аксини топганлиги ана шундан далолат беради.

БМТда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича учрашув жаҳон ҳамжамиятининг бу муаммога қизиқиши ортганлигини яққол намойиш этди, уни ҳал этишнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини белгилаб берди. Диққатга сазовор томони шундаки, учрашув қатнашчилари хилма-хил қарашларга эга бўлсаларда, уларнинг чиқишларида кескин қарама-қаршиликлар юзага келмади.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Афғонистондаги тангликдан чиқиш йўлларини қидиришга қаратилган БМТ доирасидаги бу мунозараларга ижобий баҳо бердилар.

«Жаҳон» Ахборот агентлиги.

ТАН ЖАЗОСИНИ ЁҚЛАБ...

Англия мактабларида яна тан жазосига рухсат беришадиганга ўхшайди. Болаларни бу усулда жазолаш ўн йил муқаддамгина бекор қилинганди. Аҳоли фикрини сўраш натижаларига кўра, жамоатчиликнинг кўпчилиги болаларни мактабда калтаклаб турган маъқул демоқда. Бу фикрни сўровда қатнашганларнинг 68 фоизи қўллаб-қувватлаган. 89 фоиз одам эса тан жазоси бериш билан бирга болаларни дарсдан кейин мактабда қолдириш, бирон-бир матнни юз бора қайта кўчиртириш ёки ҳолдан тойгунча мактаб ҳовлисида югуртириш ҳам фойда қилади демоқда.

Англия ҳукумати бу борада янги қонун ишлаб чиқмоқда. Ана шу ҳужжатга мувофиқ ўқувчиларгина эмас, ўқитувчилар ҳам мактаб кийимини кийиб юриши лозим бўлади. Жинси кийиш, зирак тақиш ман қилинади. Мактаб ўқувчиларининг албатта бўйинбоғ тақиб юриши ҳам назарда тутилади.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

КИСКА САТРЛАРДА

- *Қирғизистон Президенти Асқар Акаев таниқли ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовни республиканинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили қилиб тайинлади. Шуни айтиш керакки, Ч. Айтматов айни вақтда Бельгия, Нидерландия ва Люксембургдаги фавқулодда ва мухтор элчи ҳам ҳисобланади. Қирғизистон Республикасининг Оврупо ҳамжамияти ва НАТОдаги доимий вакили вазифаларини ҳам бажаради.*
- *«Америка овози» радиосининг хабарига қараганда Беларусдаги аҳвол бу мамлакатнинг ташқарисида ҳам ташвиш туғдирмоқда. АҚШдаги Гарвард дорилфунунининг профессори Маршалл Голдмэн бу фикрни таъкидлар экан, Қозоғистон ва Украинадан фарқли ўлароқ Беларусь ҳозир ҳам ядро қуролига эга эканлигини эслатади. Бу мамлакатдаги беқарорлик вазияти ундан анча олисдаги давлатларда ҳам акс садо бермай иложи йўқ, деган гаплар ҳозир бот-бот эшитилмоқда.*
- *«Толибон» ҳаракати қочқинлар ишлари бўйича БМТнинг олий комиссари бошқарувининг Кобулдаги миссияси ходимларини «душманчилик фаолияти»да айблади. Толиблар БМТнинг тўрт ходимини қамоққа олдилар. Бунга жавобан халқаро ҳамжамият вакиллари Кобулдаги ўз фаолиятини тўхтатдилар.*

«СИРЛИ» САЙЁРА СИРЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Шу йил 16 ноябрь куни Бойқўнғир космодромидан учирилиб, муваффақиятсизликка учраган «Марс-96» Россия станциясининг тақдири билан боғлиқ воқеа ҳамон одамлар эътиборида турибди.

Маълумки, бу учувчисиз экспедиция таркибида «сирли» сайёрани ўрганишга мўлжалланган орбитал станция, мана шу сайёра жисмининг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилишга мўлжалланган 2 та зонд ва мустақил ишлайдиган 2 та кичкина станция бор эди. Бу станциялар Миррих (Марс) юзасига охиста қўниши керак эди. Бу ноёб асбоб-ускуналарни Лавочкин номидаги Россия илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари жаҳоннинг 21 мамлакати олимлари билан биргаликда яратган эдилар. Бироқ «Протон» ракетаси ер атрофидаги орбитага чиқарилгандан сўнг, кемани Миррих йўналишига қараб учириб юборадиган блок ишламай қолди...

Аввалига станция орбитада бир ойга яқин айланиб юриб, кейин атмосферанинг зич қатламларида ёниб кетади, деб мўлжалланган эди. Бироқ эртаси кунигаёқ станциянинг Ер билан алоқаси узилиб қолди ва 18 ноябрда бошқариб бўлмайдиган космик маҳмуа Пасхи ороли яқинида Тинч океанига қулаб тушди. Радиоактив юк — плутоний солинган контейнерлар эса мутахассисларнинг фикрига кўра, хавф туғдирмайди. Чунки унинг контейнерлардан сизиб чиқиш эҳтимоли деярли йўқ даражада. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳалокат туфайли кўрилган зарар 122 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

«Сирли» сайёрани ўрганиш йўлида қилинган уринишлар биринчи бор муваффақиятсизликка учраётгани йўқ. Россия олимлари 1960 йил октябридан бошлаб Миррихга 20 та ракетани учириб кўрганлар. Улардан фақат биттаси — «Марс-5»нинг парвозигина муваффақиятли якунланган. У 1972 йили сайёра юзасида бир неча соатгина ишлаган. Америкаликларнинг 9 та экспедициясидан 6 таси муваффақиятли бўлган.

Америка олимлари 2005 йилда бу сайёрага астронавтлар иштирокидаги биринчи экспедицияни учиришга тайёрланмоқдалар. Ким билсин, келгуси асрда «сирли» сайёра одамзотга ўз сирларини ошкор қилармикин?

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ОҚҚЎРҒОННИНГ КАТТА ҲИРМОНИ

Туман пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди

14568 гектар майдонда етиштирилган мўл-кўл ҳосил йиғиб-териб олиниб, давлатга 39,1 минг тонна пахта етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 26,8 центнерга етди. Топширилган ҳосилнинг 58,6 фоиз қисми биринчи, 13 фоиз қисми иккинчи навга қабул қилиб олинди. Жаъми ҳосилнинг 28,9минг тоннаси қўлда, 10,2 минг тоннаси машиналар ёрдамида терилди. Йиғим-терим мавсумида далаларда 18 минг нафар теримчи шижоат билан меҳнат қилди. Тошкент ва Бўстонлиқ туманлари ҳамда Оҳангарон шаҳридан минглаб ёрдамчилар теримнинг дастлабки кунидаёқ ҳашарга келган эдилар. Улар мавсумнинг сўнгги кунигача Оққўрғонликлар билан бир тан, бир жон бўлиб пахта тердилар.

Пахтачиликда ерни кузда шудгорлаб қўйиш, меҳнат тақсимоти ва унга ҳақ тўлашнинг адолатли шаклларини жорий этиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тезпишар ва ҳосилдор навлардан фойдаланиш, минерал ва маҳаллий ўғитларни тупроқ таркибини қатъий ҳисобга олиб ишлатиш, техникадан самарали фойдаланишда хикмат катта эканлигини Оққўрғонликлар жуда яхши биладилар. Ана шунга амал қилган Охунбобоев номли, Акмал Икромов номли, «Қонқа», «Гулистон», «Маданият» ва бошқа жамоа хўжаликлари йиллик режани муваффақият билан уддаладилар. Давлатга 7000 тонна ҳосил топширган «Оққўрғон» хўжалиги жамоаси ҳамда 7031 тонна ҳосил етказиб берган С. Сегизбоев номли халқ корпорацияси туманнинг ялпи хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

— Марра эгалланиб, деҳқон кўнгли тўлган ҳозирги қувончли дамларда тажрибакор ва уста пахтакорларни номма-ном айтиш таъомилга айланган, — дейди туман ҳокими Нодир Бердиқулов. — Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тумандаги барча хўжалик ва бригадалар, механизатор ва теримчилар катта жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Йиғим-терим мавсумида ҳар бир хўжалик меҳнатни ташкил этиш, кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаш ва рағбатлантиришда ўзидаги бор имкониятлардан фойдаланди.

Охунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмаси туманда биринчилардан бўлиб режани бажарди. Шуниси эътиборга сазоворки, хўжаликдаги барча бригадалар ҳам берган ваъдаларининг уддасидан чиқдилар, Хасанбой Эргашев, Мусулмон Отаҳонов, Беркин Қулматов, Сафар Норқулов, Эркабой Бойматов бошлиқ бригадалар ҳосилдорликда ҳам юқори ўринни эгалладилар.

— Биз ҳосилнинг тўқсон беш фоиз қисмини қўлда териб олдик, — дейди бошқарув раиси Раҳимжон Ҳакимжонов. — Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида қўлда терилган пахтанинг ҳар бир килограммига икки сўмдан ҳақ тўланиши ва теримчилар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб борилиши жорий этилгани ҳам ҳал қилувчи омил бўлди. Шу кунгача теримчиларга 3 миллион сўмга яқин ҳақ тўладик, бундан ташқари мавсумда 4 тонна пахта терган оилаларга мукофотга 79 та полос, ҳар беш кунда 100 сўмдан, жаъми 25 минг сўм пул сарфладик.

— Биз эса машина теримига зўр бердик, — дейди «Гулистон» жамоа хўжалигининг раиси Жуманиёз Аннаев. — Ўзимизда ўнта терим машинаси бор эди, улар ёнига яна ўнта машина сотиб олдик. Бекобод туманидаги хўжаликлардан ҳам ёрдам учун олтита терим техникасини олиб келдик. Ғўза барги айни вақтида сифатли қилиб тўқтирилгани, ҳосилнинг эрта етилиб очилгани ҳам машина теримининг салмоғини оширди. Булардан ташқари ҳар бир механик ҳайдовчи билан терган ҳар бир тонна пахтаси учун 50 сўмдан ҳақ тўлаб, ҳисоб-китоб қилиб бордик. Моддий рағбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтида бажарилганлиги ҳал қилувчи омил бўлди.

— Бу йилги йиғим-терим мавсумида ҳар бир жамоа хўжалиги ўзидаги мавжуд имкониятларни эътиборга олиб, мавсумни муваффақиятли ўтказиш йўл-йўриқларини ишлаб чиққани ва амалга оширгани эътиборга сазовордир, — туман деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси вазифасини бажарувчи Убайдулла Исроилов мавсум натижаларини чуқур таҳлил этаркан, шуни алоҳида таъкидлади. — На туман ҳокимлиги ва на деҳқончилик-саноат уюшмаси «ундай қилинглар, бундай қилинглар», деб уларнинг ишига аралашмади. Аммо белгиланган тадбирларнинг изчиллик билан вақтида амалга оширилиши қаттиқ назорат қилинди. Аввалги йилларда бўлгани сингари ярим тунда хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларини чақириб олиб мажлисбозлик қилиш ҳам барҳам топди.

Туман хўжаликлари пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Аммо гапнинг сирасини айтганда, маррага етиб келиш жуда ҳам оғир кечди. Буни барча хўжаликларда ҳам тан олишди. Биз ушбу мақолани тайёрлаш арафасида тумандаги жамоа хўжаликларида бўлганимизда, ана шу қийинчиликлар ҳақида ҳам кишилар билан жиддий суҳбатлашдик. Раҳбар ва мутахассислар айни пайтда етилган ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар тўғрисида ҳам жон куйдириб гапирдилар. Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотларни синчиклаб ўрганганимизда қўл терими билан машина терими ўртасида катта фарқ борлиги яққол кўринди. Ахир, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, уларни янгилаш ва таъмирлаш масалалари ҳам йиғим-терим мавсуми арафасида кун тартибида турган асосий вазифа қилиб белгиланган эди-ку. Бироқ мавжуд 240 та терим агрегатидан фақат 140 тасигина ишлатилди. Уларнинг анчагина қисми мавсум ўртасига бориб, қантариб ҳам қўйилди. Хўш, бунга нималар сабаб бўлди?

— Сабаб кўп, — дейди Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси Раҳимжон Ҳакимжонов. — Туман қишлоқ хўжалиги техникаси таъминоти идораси яхши ишламаётганлиги сабабли эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ночор аҳволга тушиб қолди. Эндиликда эҳтиёт қисмларни ким қаердан эпласа топиб келяпти. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида янги техникани сотиб олишнинг ўзи бўлмайди. Хўжалик эскисини ямаб, амалтақал қилиб ишлатишга мажбур бўлаётир. Хўш, айтингчи, эҳтиёт қисмлар таъминоти ночор, «бор отанга, бор онанга» қабилида иш тутилаётган экан, машиналар таъмири ва уларни самарали ишлатиш ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Менимча, техника таъминоти ва таъмирлаш ишларида ўзгариш ясаш ҳақида жиддий ўйлайдиган вақт келди. Бу биринчи муаммо. Ёнилғи ва мойлаш материаллари таъминотида ҳам зудлик билан ўзгариш ясаш керак. Иш қизғин бораётган пайтда ёнилғи тугаб қолгани сабабли техниканинг дала ўртасида тўхтаб қолиши оддий ҳол бўлиб қолди.

Биз, бундай эътирозларни бошқа хўжаликларда, жумладан «Гулистон», «Қонқа» ва Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжаликларида ҳам эшитдик.

Дарҳақиқат хўжаликларда муаммолар кўп. Минерал ўғитлар таъминотидаги жиддий нуқсонлар сабабли ғўза вақтида тегишли озуқасини ололмади, бу эса ғўзаларнинг етилишига, пахтанинг кеч очилишига, пировард натижада эса йиғим-теримнинг чўзилиб кетишига олиб келди. Буни туман ҳокимлиги ва деҳқончилик-саноат уюшмаси мутахассислари ҳам яхши биладилар. Демак, бу муаммо ва нуқсонлар келгуси йилда ҳам такрорланмаслиги учун тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилиши лозим.

Хўш, хўжаликларда келгуси йил ҳосилига тайёргарлик кўриш қандай боряпти? Қисқа қилиб айтганда кузги ва қишки дала ишларини ташкил этишга катта эътибор берилган. 42 та ҳайдов тракторлари куну тун ишлаяпти. Ҳар куни 250 гектар атрофида ер ҳайдалмоқда. Ишдан бўшаган қишлоқ хўжалиги техникаси хўжаликларнинг устахоналарига келтириб, ювиб-тозалаб қўйияпти. Қиш бўйи уларни таъмирлаш амалга оширилади.

— Биз техникага хўжасизларча муносабатда бўлишга сира ҳам йўл қўймаймиз, — дейди Убайдулла Исроилов. — Негаки, техника хўжаликнинг мулки, уни асраб-авайлаш ва фойдаланиш, янгиси сотиб олинмагани тақдирда ҳам эскисини авайлаб ишлатишни деҳқонларимиз яхши биладилар.

Туман хўжаликларида пахта уруғчилиги масаласига жиддий қаралмоқда. Бу йил асосан «С-65-24» навли уруғ экиб, пахта етиштирилди. Келгуси йилда эса «Фарғона-3» ва «Наманган-77» навли пахта етиштиришга кўчиш режалаштирилмоқда. Бунга пухта тайёргарлик кўришга киришилган. Булардан ташқари Андижон усулида деҳқончилик қилиш тажрибаси ҳам Оққўрғонликларни қизиқтириб қўйди. Улар келгуси йилда камида 2 минг гектар майдонда плёнка остига чигит экишни мўжалламоқдалар. Шу иш билан шуғулланадиган кишилар танланиб, ўқишга юборилади бўлди. Ҳозир, керакли маҳсулотларни, жумладан, плёнка ва сеялкаларни тайёрлаб қўйишга эътибор қаратилмоқда.

... Туман деҳқонлари белгиланган маррага етиб келдилар. Аммо олдинда келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик ишлари турибди. Оққўрғонлик деҳқонлар бу ишларни ҳам тезкорлик билан бажаришга киришдилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

«Гулистон» жамоа хўжалигининг механизатори Йўлдош Носиров мавсумда терим агрегатида пахта терган эди, энди ҳайдов трактори рулига ўтирди.

Ҳусан АВВАЛОВ олган сурат.

Жилғалар қўшилиб, дарёлар ҳосил бўлганидек, мисқоллар, килограммлардан тонналар, катта хирмонлар бунёд этилади. Бугун Оққўрғон тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш режаларини уддалаган эканлар, бунда йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказган Охунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмаси ва шу уюшманинг Ҳасанбой Эргашев бошлиқ жамоа аъзоларининг ҳам ҳиссалари каттадир.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Турмуш чорраҳаларида

ҚАЙТИШ

Ҳисобот йиғилиши якунида охирги сўз олган раис Икромжон мажлис аҳлига қараб, сизларнинг талабистакларингизни, албатта, инобатга оламиз. Бу йил кичкинтойларга икки қаватли боғча биносини қуриб берамиз, деб айтди. У ваъда беришга берди-ю, мажлисдан сўнг ҳисоб-китобини қилолмай анча ўйланиб юрди. Тумандаги қурувчиларни ишга жалб қилсинми? Отасининг хунини сўрайди-да! Бир иложини қилиб маблағ ажратсанг кошки эди, тез ва соз қуриб беришса. Ишни бошлашга бошлаб қўйиб, охирига етказмай пайсалга солишади. Кунлар, ойлар ўтиб кетади, иш битмайди. Бу ҳам майли-я, қурилиш ҳали туғалланмай туриб, маблағ тамом бўлиб қолди, деб туриб олишади. Одамга алам қилади. Нима қилсам экан?

Шу пайт эшик очилиб, бир аёл кўринди.

— Келинг опа, — деди раис.

Аёл ийманибгина ичкарига кирди. Бир чеккага бориб қимтиниб ўтирди. Ўзини таништирди. Пирматнинг аёлиман, деди.

— Хизмат, — деди раис, — иннайкейин, бизда Пирматлар кўп, қайси бири...

Аёл нима деб айтишни билмай талмовсиради. Унинг сўлғин чеҳрасига диққат билан назар солган раис бўлди, танидим, анови уста Пирматни айтяпсизми? (Раис унинг яқиндагина қамоқдан чиқиб келганлигини айтиб, аёлни ноқулай аҳволга солиб қўйишни истамади). Қалай, яхши юрибдими, ишга жойлашиб олдими?

— Барака топкур, — деди аёл ялингансимон.— Шунинг учун ҳам сизнинг олдингизга келдим-да. Бир-икки жойга борган эканлар, сўраб-суриштириб, меҳнат дафтарчасини кўздан кечиришиб, бизда жой йўқ, деб қайтаришибди. Хуноб бўлиб фиғони ошиб қайтди. Ўзингиз ёрдам бермасангиз бўлмайди. Тағин, эски «ҳунар»ини бошлаб юбормасин, деб қўрқяпмиз. Ўзингиздан қолар гап йўқ, жўжабирдек жонмиз. Жуда қийналиб қолдик...

Аёлнинг илтижоларини эшитган раис бирданига бояги саволига жавоб топгандек бўлди. Қишлоғимизда уста Пирматга ўхшаган ҳунарманд йигитлар оз эмас-ку. Пирмат-ку, ичкиликка ружу қўйиб, унинг орқасидан қамалиб чиқди. Энди тавбасига таянгандир. Бошқа адашиб-улоқиб жиноят йўлига кириб адабини еб қайтганлар ҳам бор. Исроил аканинг ўғли Усмон қўли гул рассомлигини биламан. Унинг полга чизган гиламнусха расмини кўриб ҳамма қойил қолган. Гўё ҳақиқий гиламни полга тўшаб қўйгандай. Абдурашид уста сувоқчи. У сувоқ қилган уйнинг эшик-дераза рахларига бехосдан тегиб кетсангиз бор-

1

ми, эгнингизни тилиб юбориши ҳеч гап эмас. Чилангар Раҳмат темиртерсакка шундай ишлов берадики, қаерда чоки, қаерда улоғи борлигини билмайсиз. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам ёшликда бебошлик қилишиб, ичкиликка ружу қўйишди, ёмон дардга йўлиқиб қолишди. Ҳозир уларнинг бири ҳунарини ташлаб, мардикорчилик қилиб юрибди, деб эшитаман. Яна бири қайсидир ташкилотда қоровул эмиш. Нега уларнинг бошини қовуштириб, яхши сўзлар айтиб, ишга солиш, махсус қурувчилар бригадасини тузиб, фойдаланиш мумкин эмас? Бу қийин, албатта. Лекин улар ҳам одам боласи, уларда ҳам қалб бор, юрак бор, болачақа бор. Бир ҳаракат қилиб кўрай.

Икромжон шундай қатъий қарорга келди-да, ёрдамчисини чақирди. Уларнинг отларини бирма-бир айтиб топшириқ берди. Ҳаммасини эртага чойхонага таклиф қил, деди. Мени айтди, де, раис қаттиқ илтимос қилдилар, дегин.

Улар бу таклифни эшитиб, тааж-

2

маҳал улардан хабар олиб турди. Кўп ўтмай бинонинг пойдевори битди.

— Йигитлар, — деди раис бир куни, — узр, бир иш қилиб қўйдим.

— Қандай иш экан?

— Эртага маош оласизлар, аёлларингизнинг номига ёзиб қўйдим.

— Бизга ишонмабсиз-да, — деди улардан бири.

— Йўқ, гап унда эмас, тўғри тушунинглар, — деди раис, — аёлларингизнинг ҳам қўли пул кўрсинда. Хурсанд бўлишади. Барибир эмасми? Рўзғор ҳаражатларини уларнинг ўзлари билиб қилишадида!

— Жуда айёрсиз-да, — деди ҳазил аралаш уста Пирмат. — Ҳа, майли, бир иҳатдан тўғри қилибсиз, шундайми, йигитлар. Қўлимизга пул тегса тағин эски касалимиз қўзғаб, нафсибузуқлиқ қилиб юрмайлик!..

Шу тариқа ишлар қизғин давом этаверди. Йигитлар мамнун, аёллар хурсанд. Рўзғорга ҳам қут-ба-

3

жубланишди. Нима иши борийкин. Ахир ҳар биримиз ўз аравамизни ўзимиз тортиб юрибмиз-ку! Бир вақтлардагидек жанжал-тўполон қилмаяпмиз. Қани, бориб кўрайликчи!

Раис уларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Уёқ-буёқдан суҳбатлашиб, дастурхонга таклиф этиб, меҳмон қилди. Ҳатто хоҳловчиларга «қиттак-қиттак» қуйиб берди ҳам.

Йигитлар бу муомала, бу самимийликни кўриб, ўз-ўзларидан ҳижолатда эдилар.

— Айтинг, раис бува, — деди ниҳоят улардан бири сабри чидамай, — нега бизни бу ерга чақиртирдингиз. Яна бир гуноҳ иш қилиб қўйдикми?

— Йўғ-е, — деди раис, — нега ундай дейсизлар. Менинг ниятим яхши. Сизлар билан бирга ишласам дейман.

Йигитларнинг ҳайрати яна ортди.

— Нима, — деди Усмон, — бизни калака қилаяпсизми?

— Асло, — деди раис, — мен сизларнинг ҳар бирингизни кимлигингизни, касб-корларингиз, қўли гул ҳунарманд уста эканликларингизни жуда яхши биламан. Ҳозир эса сизлар ҳунарларингизни асраб юрибсизлар. Нега? Қаёққа олиб кетасизлар? Шуни ўйлаб, хўп десаларингиз, махсус қурилиш бригадаси тузмоқчиман. Икки қаватли боғча қурилишини бошлашимиз керак. Бу ишни сизларга топшираман. То ғишт теришдан бошлаб охиригача битказиб берасизлар. Пирматни эса сизларга бошлиқ — бригадир қилиб тайинласак.

Йигитлар э, гап буёкда экан, деб енгил тин олишди.

— Қандай бўларкин, раис бува, наҳотки катта бир қурилишни бизга ишониб қўйсангиз!

— Нега ишонмас эканман, — деди раис. — Ўз қишлоғимизда сизларга ўхшаган қурувчилар бўла туриб, мен нега четдан нотаниш одамларни ишга таклиф қилишим керак.

Очиғи, йигитлар ўша куни ўзгача руҳ, ўзгача кайфият билан, уйларига хурсанд бўлиб қайтишди. Эртасига раис айтган вақтда қурилиш майдонига йиғилишиб, маслаҳатлашишди. Бўлажак бинонинг лойиҳа чизмаси ҳам йўқ эди. Чизмасини ҳам раис бошлиқ ўзлари тайёрлашди. Шундан кейин иш бошланиб кетди. Раиснинг ўзи ҳар куни икки-уч рака кириб қолди, уйлар саранжом-саришта.

— Ишонч кишига қанот, куч-қувват бағишлашига яна бир карра гувоҳ бўлдим, — деди раис.

Боғча қурилиши муддатидан анча илгари тугалланди. Фойдаланишга топшириш маросими катта тантанага айланди. Раиснинг ўзи қурувчи йигитларга тўн кийдирди, мукофотлади.

Мен бу ҳикояни хизмат сафарида бўлганимда бир раисдан эшитдим.

— Жуда улуғ, савоб иш қилибсизда, — дедим, — аслида мен шу ҳақда ёзишим керак экан.

— Йўқ, — деди раис, — одамлар ҳар хил тушунади. Йигитларим бизнинг «айб»ларимизни элга достон қилибсизку, деб хафа бўлиб юришмасин, тағин. Вақти келиб қолар, ёзиш бўлса қочмас.

Раиснинг бу фикрига қўшилмасдан иложим йўқ эди. Шунинг учун ҳам воқеа қаҳрамонларининг исми-шарифини ўзгартириб ёздим. Лекин бу билан аминманки, мақсадга асло путур етмайди. Гап шундаки, кўп ҳолларда биз муомала, муносабатда, гап-сўзда одамийликни, самимийликни унутиб қўямиз. Бирон киши билан суҳбатда бўлганимизда унинг кимлиги, қўлидан қандай иш келади-ю, келмайди қай аҳволдалиги, руҳиятини ҳисобга олмаймиз. Мабодо билиб-билмай ножўя иш, гуноҳ қилиб қўйган бўлса уни туядай қилиб кўрсатамиз, юзига соламиз, кўпчилик олдида ёмон отлиққа чиқариб қўямиз. Энг муҳими ширин сўзимизни аяймиз. Бу билан биз ҳаётда қоқилиб-адашганлиги учун пушаймон қилиб, энди бошқатдан ўз ҳаётини бошламоқчи бўлиб турган бир инсонни яна жар ёқасига етаклаб борганлигимизни ўзимиз билмай қоламиз. Ваҳоланки бир оғиз ширин сўз айтиб, унинг руҳини кўтарсак, ўша одам ўз дунёқарашини ўзгартириб, янгича мушоҳада қилиб, бутунлай янги изга тушиб олиши мумкин. Бу эса сизга, бизга, кенг жамоатчиликнинг ҳимматига боғлиқдир.

Носир РИХСИЕВ.

МАТОНАТ

Пойтахтимизда «Матонат» клуби аъзоларининг юриши ўтказилди. Ўзбекистон Қизил яримой жамияти ушбу тадбирни «Матонат» соғломлаштириш клуби билан бирга Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ташкил этди. Ногиронлар аравачаларида ҳаракатланаётган юриш қатнашчиларига темурийлар тарихи давлат музейи олдидан старт берилди. Улар шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб ўтиб соҳибқирон хиёбонидаги Амир Темур ҳайкалини зиёрат қилди. Юриш қатнашчиларига совғалар топширилди.

Халқаро ногиронлар куни — 3 декабрда Тошкентда хайрия ўн кунлиги бошланади. Ундан тушган маблағ ногиронларни ижтимоий, тиббий қўллаб-қувватлашга сарфланади.

(ЎзА).

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

Ф. СП—1

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в. жойи

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

обуна баҳоси сўм обуна сони

янги манзилга юбориш баҳоси сўм

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнг бош ҳарфлари)

ЯНГИ ГАЗ ТАҚСИМЛАШ СТАНЦИЯСИ

«Урганчтрансгаз» корхонаси қурилиш тресті соатига 220 минг кубметр газ етказиб берадиган янги тақсимлаш станциясини фойдаланишга топширди. Бундан чорак аср муқаддам қурилган эски станциянинг қуввати камлиги вилоят маркази ва Урганч тумани аҳолисини табиий газ билан узлуксиз таъминлашда узилишлар юз беришига сабаб бўлаётган эди. Янги иншоот тўрт ой ичида қуриб битказилди.

ҚАЛЪА ДЕВОРИ ТИКЛАНМОҚДА

Кўҳна Хева ўзининг 2500 йиллик тўйига ҳозирлик кўрмоқда. Шаҳарнинг Ичонқалъа мажмуидаги ўнлаб тарихий-меъморий обидалар таъмирланмоқда. Юбилейгача қалъанинг барча деворлари тикланади. Шу кунларда унинг «Хон бозори» ёнидаги қисмини таъмирлаш қизғин бормоқда. Энг тажрибали уста ва ҳунармандлар астойдил меҳнат қилишмоқда.

ЯНА БИР ГАЗЕТА

Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг «Адам ҳам Низам» («Инсон ва қонун») газетасининг биринчи сони ўқувчилар қўлига бориб тегди.

Қорақалпоқ ва ўзбек тилларида нашр қилинадиган мазкур ижтимоий-ҳуқуқий газета ўзига доимий шиор сифатида «Куч — адолатда» ҳикматини танлаган.

Газета беш минг нусхада чоп этилмоқда.

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

Жиззах вилоятидаги Қўйтош кони кейинги йилларда иқтисодий қашшоқлашиб, анча «ўтириб» қолганди. Кончиларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида бир қанча турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган цехлар ишга туширилгач, аҳвол анча яхшиланди.

Яқинда бу ерда Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Корхона маҳаллий хом ашё ҳисобига республикада ягона бўлган воластанит концентрати ишлаб чиқаради ва четга сотади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Сизнинг газетангиз Азиз муштарийлар!

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги матбуот тарқатиш бўлинмаларида барча газета ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Пойтахт вилоятимизда яшовчилар учун обуна баҳоси газетани уйга етказиб бериш билан ҳисоблаганда:

1 йилга — 940 СЎМ,
ярим йилга — 470 СЎМ,
уч ойга — 235 СЎМ.

Тошкент шаҳри аҳолиси учун:

бир йилга — 840 СЎМ,
ярим йилга — 420 СЎМ,
уч ойга — 210 сўм.

Абонент қутичалари бўлган тошкентликлар учун обуна баҳоси бундан ҳам арзонроқ:

бир йилга — 624 СЎМ,
ярим йилга — 312 СЎМ,
уч ойга —156 СЎМ.

1996 йил — Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОННИНГ УЧ АЛОМАТ БЕЛГИСИ

***СОҲИБҚИРОН** тўғрисида сўз борганда «Етти иқлим ҳукмдори», «Шаҳаншоҳ», «Олампаноҳ» сингари ибораларни қўллаймиз. Хўш, бу иборалар тарихий ҳақиқатга мосми? Етти иқлим деганда нима ёки қайси ҳудудлар назарда тутилади?*

Маълумки, Юнонистон ва қадимги Шарқ жуғрофия илмида дунёнинг инсон яшайдиган қисми (ер) етти иқлимга бўлинган. Бешинчи ва олтинчи иқлимларга Хоразм, Мовароуннаҳр, Фарғона, Дашти Қипчоқ ерлари кирган. Шу нуқтаи назардан бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳарбий фаолиятига назар солсак.

1364 йилда Амир Темур ва унинг амакиси Хўжа Барлос Моваруннаҳрни мўғуллар яғмосидан озод этиб, қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. 1366 йил баҳорида Амир Ҳусайн ва Темурбек қўшини Самарқандга яқинлашди. 1370 йилда эса Самарқанд батамом қўлга киритилади. 1372 йилда соҳибқирон Хоразмни ўз қарамоғига олади. 1389 йилда соҳибқирон Тўхтамишхонга қарши қўшин тортади. 1392 йилда Кавказортига юриш қилиб, Гуржистон ва Арманистонни забт этади. 1395 йилда Тўхтамишхонни Терек бўйида маглубиятга учратиб, Ельцгача таъқиб этиб боради. Сўнг Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Беркани ҳам ўз тасаррофига олади. 1398—1399 йилларда Ҳиндистонга қўшин тортиб, унинг пойтахти бўлмиш Деҳлини қўлга киритади. 1400 йилда Сурияда Миср султони устидан ғалабага эришади. 1402 йили Анқара шаҳри яқинида Боязид Елдирим лашкарларини тор-мор келтиради. 1405 йилнинг бошларида Амир Темур Хитойга юриш бошлайди. Аммо, Ўтрорга етганда касаллик туфайли 18 февралда оламдан кўз юмади.

Шундай қилиб, Амир Темур жуда катта ҳарбий юришлар натижасида, бениҳоя катта марказлашган давлатга асос солади. Бу ҳақда мўътабар манба — «Темур тузуклари»да шундай баён қилинади: «...йигирма подшоҳнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқ, Мозондарон, Гилонай, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти Жете, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Кобулистон, Бахтарзамин, Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб ҳукм сурдим».

Ана энди, Амир Темур давлат харитасини кўз ўнгимизга келтирайлик. Шунда буюк бобомизнинг нечта иқлим ҳукмдори бўлганлиги маълум бўлади. Яна бир далилга эътибор қилайлик. Амир Темур Кичик Осиёда 1389—1402 йилларда ҳукмронлик қилган Боязид Елдиримга мактуб йўллайди. Унда шундай жумлалар бор эди: «Ер-кўкни яратган Тангри таолога чексиз шукрлар бўлсинки, етти иқлим мамлакатларининг кўпини менинг фармонимга киргизди...» Хатни изоҳлашга, бизнингча, ҳожат йўқ, албатта.

Машҳур можор шарқшунос олими, профессор Херман Вамбери маълумотларига кўра, Амир Темур иқоматгоҳининг пештоқи уч халқадан иборат аломат белгиси билан безатилган. Бу аломат унинг уч иқлимда, яъни шимол, жануб ва ғарбда ҳокимлигига ишора бўлган. Шунингдек, Амир Темур муҳрида ҳам уч халқа борлиги маълум. Француз олими Керен Люсьен таниқли олим Акмал Саидов билан қилган суҳбатида уч халқани қуйидагича изоҳлайди: «Темур Шарл VI га ёзган хатида ҳам муҳр босилган, лекин, унинг сиёҳи ўчиб кетиб, текширишнинг иложи бўлмай қолган. Уч халқага келсак, бу кўп мамлакатларда илоҳий ва сирли саналган уч рақамига илова. Мўғуллар бу рақамни бахт ва зафар рамзи сифатида ишлатишган. Ўзини ўзига кўпайтириб, самовий «9» рақамини олиш мумкин, деб ҳисоблаганлар. Бу муҳр Темурбек забт эттирган тангаларда ҳам учрайди, лекин, барча тангаларда ҳам эмас».

Академик Бўрибой Аҳмедов темурийлар давлати ҳақида шундай ёзади: «Темур асос солган феодал давлат дастлаб Моваруннаҳр ва Хоразмдан ташқари, Темурнинг 1380—1402 йиллардаги юришлари натижасида итоат эттирилган Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Ҳиндистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган. Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда унинг давлатига қарашли ўлкалар асосан тўрт қисмга бўлинган ҳолда идора қилинган. Шундан: Хуросон, Журжон, Мозондарон, Сеистон — Шохруҳга; Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон Мироншохга; Форс яъни Эроннинг жанубий қисми — Умаршайхга; Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон — Пирмуҳаммадга суюрғол қилиб берилган эди».

Далиллардан англаш мумкинки, йирик тарихшунос олимларимиз Амир Темур номига сўзлар битганда холисоналикдан асло чекинмайдилар. Аслида илмий одоб ҳам шуни тақозо этади. Тўғри, «етти иқлим ҳукмдори»да ҳеч қандай ёмон ният йўқ. Бу таъриф улуғ бобомизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром имдодидир. Айни пайтда, илмий савиясизлик ҳам эмас. Биз ҳам буни алоҳида эътироф этмоқчимиз. Лекин, барибир, тарих, айниқса, дунёга донг таратган шарҳчилар ҳақида фикр билдирилганда ҳиссиётга эрк бермаслик, илмий одобга амал қилиб, холисона фикрламоқ лозим.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир». Демак, тарихда ёркин, ўзига хос ва бетакрор из қолдирган Амир Темур сиймоси тўғрисида ҳам холисоналик асосий мезон бўлмоғи керак. Энг асосийси, бизнинг вазифамиз соҳибқироннинг шахсияти ва серқирра фаолиятини ҳеч қандай қўшиб-чатишларсиз ва айни пайтда, унинг тарихдаги мавқеини пасайтирмаган ҳолда мулоҳаза қилиб, холис баҳо беришдир.

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
«Амир Темур халқаро илмий экспедицияси» матбуот хизмати бошлиғи.

СИЗЛАРНИ ҚИЗИҚАРЛИ ЎЙИНЛАР КУТМОҚДА

Маълумки, шу йилнинг декабрь ойида Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича Осиё кубоги учун XI-мусобақалар бўлиб ўтади.

Унда Осиё ўйинларининг чемпиони — Ўзбекистон миллий терма командаси иштирок этади. Команда таркибида Миржалол Қосимов, Игор Шквирин, Азамат Абдураимов, Олег Шацких ва бошқа таниқли футбол усталари бор. Ўзбекистон терма командаси 6 декабрь куни хитойлик футболчилар билан, 9 декабрь куни Япония командаси билан, 12 декабрь куни Сурия терма жамоаси билан куч синашади.

ЎзА мухбирига маълум бўлишича, Ал-Айн шаҳридаги стадионнинг минбарларида туриб Ўзбекистон командасини шахсан қўллаб-қувватлашни истаган юртдошларимизнинг бу юртга сафари ташкил этилади. Уларни Бирлашган Араб Амирликларига шинам авиалайнерда олиб бориш, қулай меҳмонхоналарга жойлаштириш, икки марта овқатлантириш ҳамда мусобақаларга олиб бориш учун автобус хизмати кафолатланади.

Футбол мухлисларини уч, тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар мингдан ортиқ. Улар Яқин Шарқдаги энг гўзал мамлакатлардан бири — Бирлашган Араб Амирликларининг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш, тунги балиқ ва қисқичбақа овида, маданий тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар. Улар Абу Даби ва Дубай сингари гўзал шаҳарларда ўтказиладиган мусобақаларнинг ўзлари истаганини томоша қилиши мумкин. Лекин энг муҳими — Осиё кубоги ўйинларини бориб кўриш учун жуда кўп буюртмалар олинган Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларнинг футбол мухлислари каби спортчиларимизни руҳлантириш, мусобақалар чоғида уларни қўллаб-қувватлашдир.

Бундан ташқари, ҳар бир сайёҳ лотереяга қўйиладиган учта хорижий енгил машинадан бирини олиш имконига эга. Лотерея ўйини йўлланма рақамлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир футбол ишқибозига футбол майкаси, бош кийим, Ўзбекистон рамзи туширилган сумкалар берилади. Ўзбекистон футболи шарафини ҳимоя қилишни ўзига фахр деб билган чин футбол ишқибозларини бу ватанпарварлик тадбирида фаол иштирок этишга чақирамиз. **Маълумот олиш учун Тошкентдаги қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: 41-51-51, 41-59-52.**

БАРЧА ЖУМБОҚЛАР ЕЧИЛДИ

«Ғазалкент» биринчи табақани тарк этади, унинг ўрнини «Лочин» эгаллайди.

БУГУН мамлакат биринчилиги биринчи табақаси жамоалари мавсумнинг сўнгги давра ўйинларини ўтказишади. Бироқ охирги учрашувлар ҳеч бир жамоа учун унчалик аҳамиятли эмас. Барча жумбоқлар ечилди. Агар мавсум тугашига тўрт тур қолганда олий табақага чиқиш ҳуқуқини берадиган икки йўлланма эгаси маълум бўлган бўлса, ўтган шанба куни бўлиб ўтган 53-тур баҳсларидан сўнг гуруҳни тарк этадиган яна уч омадсиз жамоа аниқланди. Якунловчи учрашувлар фақат айрим жамоалар учун бир ёки икки поғона кўтарилиш, аксинча, пастга тушишга таъсир этиши мумкин холос. Вилоятимизнинг уч жамоаси — Қибрайнинг «Роҳат», Бўстонлиқнинг «Ғазалкент» ҳамда «Бўкалик» клубларини биринчи табақани тарк этиш хавфи ташвишга солиб келди. «Роҳат» ҳам, «Бўкалик» ҳам ўтган гал ғалабага эришиб, биринчи гурухда қолишди. «Бўкалик» ўз майдонида «Ситора» клубини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида (тўпларни Қобулов ва Фетисовлар киритишди) ғалабага эришган бўлса, «Роҳат» сафарда «Гулистон»ни 3:1 ҳисобида мағлуб этди. Қибрайликлардан тўпларни М. Собиров ва Р. Убайдуллаев (2 та) киритишди.

«Ғазалкент» эса Зафарободда «Зафар»га 0:1 ҳисобида ютқазиб, сўнгги ўйин натижасидан қатъий назар биринчи гурухни тарк этадиган бўлди. 2 — 3 йил бурун Бўстонлиқ футболчилари биринчи табақада нафақат ўртамиёна, балки кучли жамоалардан ҳисобланар эди. Бу йил ҳам биринчилик бошларида яхши ўйин кўрсатди. Бироқ, мавсумнинг иккинчи ярмидан ютқазиб, очколар тарқата бошлади. Муваффақиятсизликнинг асосий сабабларидан бири маблағ етишмаслигига бориб тақалади. Клуб раҳбарлари фақат ҳомийлар кўмагига таяниб кун кўриб бўлмаслигини англаб етишмаган, шекилли. Акс ҳолда ўзлари маблағ топиш йўлларини ахтарган бўлардилар. Тўрақўрғоннинг «Ёшлик» жамоаси анча барвақт гуруҳни тарк этгач, қолган учрашувларни номигагина ўтказди. Мавсум охирига келиб эса маблағ йўқлигини баҳона қилиб, учрашувларга бормай қўйди. Бу мухлисларга ўта хурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Шундай қилиб, «Норин», «Олтинкўл», «Ғазалкент», «Ҳисор», «Диёр» ва «Ёшлик» жамоалари биринчи табақани тарк этадиган бўлди. Ушбу гурухда вилоятимиз спорт шарафини ҳимоя қилган беш жамоанинг фақат иккитаси — Бекободнинг «Металлург» ва Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаларигина ўртамиёна ўйин кўрсата олдилар.

«Ғазалкент» ўрнига келаси йил биринчи гурухда вилоят чемпиони, даъвогарлар финал ўйинларининг ғолиби — Зангиотанинг «Лочин» жамоаси қатнашадиган бўлди.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Эркин кураш

ЖАҲОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИ

Эронда жаҳон Кубоги учун қитъалар биринчиликлари ғолиблари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди. Америка қитъасини Куба полвонлари, Европани россияликлар, Осиёни Эрон ва Ўзбекистон терма жамоалари ҳимоя қилишди. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон полвонлари бундай нуфузли йирик мусобақада илк бор қатнашишларига қарамай барча олишувларни кўтаринки руҳда ўтказишди. Р. Исломов (62 килограмм), И. Купеев (68 килограмм), С. Катиновасов (74 килограмм) ва Р. Хинчагов (82 килограмм) шахсий бахсларда ҳурмат шохсупасининг энг юқорисига кўтарилдилар. 52 килограммгача вазнда Атҳам Очилов кумуш, 57 килограммгача вазнда Дамир Захариддинов ва 90 килограммгача вазнда Сослан Фраевлар бронза медали билан тақдирланишди.

Ўзбекистон полвонлари жамоа ҳисобида Россия ва Куба вакиллари билан бўлган олишувларни 5:5 ҳисобида дуранг натижа билан якунладилар. Бироқ тўпланган баллар бўйича рақибларига ён беришди.

Эрон полвонлари жаҳон Кубоги соҳиби бўлишди.

СПОРТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

ЯКУНЛАНАЁТГАН 1996 йил Ўзбекистон спорти тарихида ўзига хос из қолдирмоқда. Мустақил юртимизнинг спортчилари илк бор Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон байроғи остида майдонга тушдилар. Жаҳон ва Европа биринчиликларида Осиё қитъаси баҳсларида, ўнлаб халқаро мусобақаларда ўзбек йигит ва қизлари эришган ғалабалар шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортга давлат аҳамиятига молик масалалардан бири сифатида эътибор берилаётганлиги учун ҳам бу соҳадаги ютуқлар салмоқли бўляпти. Шанба куни республика миллий олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов спорт журналистлари билан бўлган мулоқотда ана шулар ҳақида гапирди. Энг оммавий спорт тури ҳисобланган футболни янада ривожлантириш ва кўплаб маҳоратли ўйинчилар етиштириш, умуман, спортимизни юксак даражага кўтариш учун кўп иш қилиниши лозимлигини таъкидлаб, бу борада оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио спорт журналистларига миннатдорчилик билдириб уларнинг ёрдами катталигини айтди.

Учрашув пировардида журналистларнинг катта гуруҳи эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шароф АКБАРОВ.

Ҳар тўғрида

РУХ ҲАМ ШИФОБАХШ ЭКАН

● ШИФОКОРЛАРНИНГ таъкидлашича, энг қийин тузаладиган касалликлардан бири — оддийгина шамоллаш экан. Шифокорлар унга қарши самарали дори-дармонлар тополмай жонлари ҳалак. Масалан, Англияда шамоллаш касалликларини тадқиқот қиладиган лаборатория ёпилди. Америкалик олим, Нью-Йорк штатидаги Хостр университетининг профессори Сабрина Новик эса шамоллашни даволайдиган энг яхши модда — рух демокда. Рух моддаси аралашган дорини беморга сўрдиришганда у жуда тез тузалди. Агар бундай дори касаллик энди бошланаётган беморга берилса, у, ҳатто ўзининг касаллигини ҳам билмай, тезда шифо топиб кетар экан.

«ЛИКОПЧА»НИ СУРАТГА ОЛИШДИ

● ШАРҚИЙ Чехияда учувчи номаълум жисмни видеотасмага суратга олишди. Яқинда Двур-Кролов шаҳри яқинида кишилар осмонда секин учиб бораётган бир неча «ликопча»ларни кузатдилар. Улардан бирининг ёнида видеокамера бор эди. У ёғду сочиб бораётган учувчи жисмларни дарров суратга олди.

Польша ва Австриялик олимлар видеотасмадаги тасвирларни синчиклаб ўрганиб, бу учувчи номаълум жисмлар эканлигини тан олишди. Тадқиқот ишлари давом этяпти.

Шарқий Чехия, шу пайтгача аниқланмаган номаълум сабабларга кўра, бошқа «сайёралар»дан учиб келган кемаларни қизиқтирадиган ҳудудлардан бири деб айтилмокда. Ҳужжатларда қайд этилишича, XIX асрнинг охирларида ҳам бу ерда учувчи номаълум жисмлар кузатилган. Ўша пайтларда ўрмончилар ва чўпонлар Бургут тоғи этакларида кўринган ва ўткир ёғду сочган учувчи жисмлардан жуда ҳам чўчиганлар. Чехия уфологлари келгуси йилнинг баҳори ва ёзида Шарқий Чехияга бир неча экспедиция уюштириб, шу масала билан жиддий шуғулланишни режалаштирдилар.

САРИҚ КЎЗЛИ ДИНОЗАВР

● ГРЕНЛАНДИЯ оролининг 80 фоиз қисми қалин муз билан қопланган. Яқинда ер остидан отилиб чиққан газ шарқий туманда муз силжишига сабаб бўлди. Ана шунда қадимги замонлардан бери муз остида ётган динозаврнинг йиртқич турларидан бири — тиранозаврнинг сира ҳам ўзгармаган скелети кўриниб қолди. Олимларнинг таъкидлашича, бу махлуқ бундан 100 миллион йил аввал яшаган экан. Германиялик полеонтологлар гуруҳининг раҳбари Дитер Фон Хаузеннинг айтишича, олимлар, ҳатто, тиранозавр кўзининг ранги сариқ, териси эса тўқ сариқлигини, кейинги оёқ панжалари ва елкаси жун билан қопланганлигини ҳам аниқлаганлар. Махлуқнинг қорни уч бўлак экан. Скелетининг катталиги 15 метрли ушбу тиранозавр тўрт ёшдалигида тоғ ўпирилиши сабабли кўчки остида қолиб, ҳалок бўлган экан. Ўша пайтларда Европа, Гренландия ва Шимолий Америка яхлит қитъа бўлган эди, — дейди Дитер Фон Хаузен.

ФАРЗАНДЛАРИ АРДОҒИДА

ҲА, ШУНДАЙ. Чинознинг Олмазор қишлоғида бу оилани ҳамма танийди. Тўй, маъракаларда ҳовли саҳни тумонот одамга тўлади. Бундай пайтларда Зайнаб аянинг қўллари-қўлларига тегмай хизмат қиладилар. Ёшлари етмишдан ошиб, ўн бир фарзандни вояга етказиб, 36 невара, икки чевералик бўлсалар ҳам ҳамон шу катта хонадоннинг ҳар бир юмушини тартибга солмагунча кўнгиллари тинчимайди. Аянинг уйларида бугун ҳам тантана. Кенжа ўғил — Бахтиёржоннинг никоҳ тўйи. Ая маҳалла аёлларини айланиб, ўргилиб ичкарига бошлайдилар. Ҳар бирига икки оғиз ширин сўз айтиб, кўнглини олгилари келади.

Шодон кунларда ая дилларидаги ўчмас бир армон — умр йўлдошлари борасидаги хотиралар ўзгача жонланади. Фарзандлар отаси — Ҳаким ака Жалилов болаларга астойдил меҳр қўйган эдилар. Доимо «Ўғил-қизларнинг камолини кўрайлик», деб дуо қилардилар. Фарзандлар улғайишди. Ҳаммалари жамиятда муносиб ўринларини олишди. Уларни вояга етказишнинг оғир юки Зайнаб ая елкасида бўлди.

— Ҳаким ота қишлоғимиз фаолларидан эдилар, — дейди у киши билан бирга ишлаган мутахассислардан бири Турғунбой Делимбетов. — 50 йилдан ортиқ далада меҳнат қилдилар. Бригадир, бўлим бошлиғи сифатида катта ҳурмат-эътибор топдилар, ўзларидан ўчмас из қолдирдилар.

От изини той босади, дейишгани рост экан. Ҳаким отанинг боғларини бугун ўғиллари — Комилжон, Бахтиёржонлар парвариш қилишяпти. Тўй куни узоқ-узоқлардан қалдирғоч мисол учиб келган қариндошлар, фарзандлар боғларни кўриб ҳавас қилишди.

...Олмазор қишлоғида оқшом кўнди. Ҳадемай сурмаранг тун кириб, келади. Бепоён осмон узра нур таратаётган юлдузлар шивирлаб сухбатга бериладилар. Аянинг покиза хонадонларида худди шу юлдузлардек чароғон, «юлдузи юлдузига» тўғри келган фарзандлар тўйларининг тароналари борлиқ узра янграйди. Меҳри дарё она кўнгиллари тоғдек кўтарилади, шукроналик билан энтикиб қўядилар.

Абдужалол РАҲИМОВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақачасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақачасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Мирзо Улуғбек туманидаги «КАМШАТ М» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 65-31-45 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Юнусобод туманидаги «ТУРОН-НУРИСЛОМ» масъулияти чекланган жамиятининг йўқолган
ДУМАЛОҚ МУҲРИ ва ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Тоиржон Жамолович Камолов номига берилган 1996 йил 11 сентябрда 910 сонли қарори билан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги 0100121 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокими ижроия маҳкамаси жамоаси вилоят ҳокими муовини — вилоят ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи Ҳамидулла Аҳмедовга акаси
Асатилла АҲМЕДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси Бош Вазир ўринбосари — республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломовага акаси
Хусанхон МУҲАММЕДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Вилоятистиқболстат» бош бошқармаси жамоаси Янгийўл тумани статистика ва консалтинг хизматлари кўрсатиш маркази директори
Нурали Давлатович МАДРАИМОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0630. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8500 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6